O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIMOO PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
25 IYUN
SESHANBA
№ 79 (26.938)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б.Р.ПАРПИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ботир Рахматович Парпиев Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 24 июнь

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ЖУРНАЛИСТ

ЖАСУР ВА ФИДОЙИ, ХОЛИС ВА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛМОҒИ КЕРАК

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида «2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимларининг анъанавий касб байрами олдидан ўтказилган тадбир жараёнларида ана шу нақл бот-бот тилга олинди.

Таҳририят мамлакатимиз миллий матбуотининг равнақи йўлида узоқ йиллар самарали ишлаб, ўзбек журналистикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган ва бугунги кунда ҳам муҳарририят билан алоқани узмай, кексалик гаштини сураётган собиқ бош муҳаррирлар, бўлим мудирлари ҳамда вилоятдаги таниқли ўз мухбирлари — устоз журналистларнинг бир гуруҳини ҳам дийдор учрашувга, ҳам ўзаро фойдали мулоқотга чорлади. Улар орасида Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Расул Раҳмонов, Муроджон Мансуров, Фозил Зоҳидов, Яҳё Тўхтаев, Исмоил Сулаймонов, Дилбар Маҳмудова, Миршароф Муҳсимов, Жўра Саъдуллаев синдари ўнлаб мураббий журналистларнинг (бугунги кунда уларнинг кўпи таниқли адиб ҳам!) бўлиши учрашувга файз бағишлади.

Газетанинг тарихига оид ҳужжатли видеотасвирлар намойиши билан бошланган учрашув ўзаро фикр-мулоҳазалар, мушоҳадалар алмашувига, маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар ўқувига айланиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, тадбир — таҳририятда одат тусига кирган ўзига хос «литучка» (литературный учёба — адабий ўқув)ни эслатди.

Учрашувда таҳририят дарғоҳида 25-30-40 йиллаб касб ва хизмат бурчига садоқат билан меҳнат қилган устозлар ўзларининг бой ижодий тажрибаларидан сўзлаб бериш билан бирга, бугунги кунда газета олдида турган вазифалар, у кўтариб чиқиши керак бўлган муаммолар, ёритилиши зарур мавзулар, янги-янги рукнлар ҳақида таклифлар беришди.

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

Ҳар йили ўзга бир ҳаяжону қувонч билан, янги орзу-умидлар билан, ютуқлар билан кутиб олинадиган энг улуғ, энг азиз байрамларимизни нишонлашга ҳам саноқли кунлар қолди. Бу йил уни ўн биринчи марта нишонлаймиз. Ҳар бир йили асрларга татигулик, мана шу тарихан қисқа, давр мобайнида мамлакатимизда туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг барча жабҳасида янгиланиш, ўнгланиш, ўзгаришлар кўзга яққол ташланмоқда. Кеча кўрган шаҳарларимизни бугун танийолмай қолаяпмиз. Энг муҳими, одамлар онгида, шуурида катта ўзгаришлар рўй берди. Бугун биз, кечаги — биз эмасмиз! Энди биз мустабидлик асоратларидан қутулган, ҳур фикрли, мустақил юрт фарзандларимиз. Бугун биз мустақил фикрлайдиган, дунё билан тиллаша оладиган, жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлган халқмиз!

Табиийки, Мустақиллик байрами арафасида ўтмишимиз, мустабидлик давридаги қора кунлар ўз-ўзидан ёдга тушади. Озодлик учун, Мустақиллик учун курашган, бу йўлда жонларини ҳам аямаган, қатағонларга учраган, шаҳид кетган юртдошларимизни, ота-боболаримизни эсга оламиз. Булар бизга мустақиллигимиз нечоғли қиймат эканлигини чуқур англатади. Бинобарин, ҳозир ҳар биримиз «Кеча ким эдик-у, бугун ким бўлдик?» деган саволга жавоб топа олсаккина, мустақилликнинг аҳамияти ва қадр-қимматини, моҳиятини теран тушуниб етамиз.

Шуни ҳисобга олиб, бугундан бошлаб газетамизда «Мустақиллик — энг олий неъмат» деган янги рукнни очишга қарор қилдик. Мақсадимиз — Ватанимиз мустақиллигини бутун бўй-басти билан таърифлаш, Озодликни қўлга киритиш учун ота-боболаримиз олиб борган курашлар, чеккан азоб-уқубатларни баён этиш, тарихий далилларни муқоясалаган ҳолда бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, тараққиётни кўрсатишдан иборат.

Биз барча ҳамкасблар ва ижодкорларни ушбу хайрли саъй-ҳаракатимизга қўшилишга даъват этамиз. Истиқлолимизнинг аҳамиятини ёркин сатрларда ифода этган, энг мазмунли ва жозибали тил билан ёзилган мақолаларнинг муаллифлари Мустақиллик байрами арафасида таҳририятнинг махсус мукофотлари билан тақдирланадилар.

ЎТГАН ҲАФТА:

ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ЮРТИМИЗ МАВҚЕИ ЖАҲОН НАЗДИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтган экан:

Ҳар вақтки, кўргайсен,
менинг сўзумни,
Сўзумни ўқиб
англагайсен ўзумни...

Айни шу нуқтаи-назардан бугун мамлакатимиз сиёсий ҳаётига ўтган ҳафтанинг муҳим воқеалари кўзгусидан разм ташлаб, уларнинг мазмун-моҳиятини баҳоли-қудрат шарҳлай олсак, демакки, биз ҳам сўзимизни сиз, азиз газетхонларга айтолган ва уни бир қадар англай олдирган бўламиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзинни қабул қилган соатларда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ҳамкорлик самараларига оид мана бу рақамларни алоҳида қайд қилиб ўтди: 1994 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 103,4 миллион долларга етди.

Ҳа, сўнгги йилларда мамлакатимизда хорижлик, жумладан, латвиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликка, латиш тадбиркорлари фаолияти учун кенг имтиёзлар ва қулайликларга катта имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда республикамизда 20 дан зиёд Ўзбекистон — Латвия қўшма корхоналари фаолият юритмоқда. Ўзбекистоннинг Латвия портлари орқали ўтаётган товарлари ҳажми тобора ошиб, икки томон учун ҳам фойда келтирилмоқда. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг ҳамда транспорт коммуникациялари борасидаги алоқалар ривожининг янги-янги уфқлари очилмоқда. Шунингдек, иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик, гиёҳвандлик моддалар контрабандасига қарши кураш бўйича ҳам имзоланган ҳамкорлик битимлари эндиликда изчил амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик ҳамиша, ҳар бир ишда ҳаммага самара берган. У ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик, ҳамнафаслик дегани ҳамдир. Ўша куни ҳамфикр, ҳамнафас ҳамкорларимиздан яна бири — австриялик ишбилармонлар республикамиз Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб, Ўзбекистон — Австрия қўшма корхоналари сонини кўпайтириш, юртимизга Австрия сармояларини янада кўпроқ жалб этиш ва улар ёрдамида бошқа давлатлардаги йирик сармоядорлар билан ҳам ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан ўзига хос бизнес-семинар ўтказдилар. Унда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти австрияликлар диққат марказида эканлиги яққол сезилиб турди.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Тошкент шаҳри мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари — 2002» битирув кечаси бўлиб ўтди. Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда ўз самарасини бераётгани, ривожланган мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилаётганини таъкидлади. ...Майдонга пойтахтимиздаги билим даргоҳлари битирувчилари ҳамда бу йил биринчи синфга қадам қўядиган болалар кириб келади. Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Бу йил Бухорода бўлиб ўтган «Универсиада-2002» спорт ўйинларида ғолиб бўлган пойтахтдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар 130 та олтин медаль ва шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг махсус соврини — «Дамас» автомобиллари билан тақдирландилар. Майдонга ана шу мусобақалар ғолиблари кириб келганида уларни барча иштирокчилар зўр олқиш билан кутиб олди.

Бундан уч йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси билан иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, давлат миқёсида истеъдодли қизларни рағбатлантирувчи бундай мукофот ҳали дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд эмас. Фестивалда мазкур мукофот соҳибаларининг самимий табрик сўзлари янгради.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида энг яхши муаллим, мураббий ҳамда илғор билим даргоҳини аниқлаш ва тақдирлаш анъанага айланиб бормоқда. Бу йилги танловда ғолиб деб топилган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-мактаб «Йилнинг энг яхши мактаби», Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг академик лицейи «Йилнинг энг яхши академик лицейи», Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи «Йилнинг энг яхши коллежи» деган шарафли номга сазовор бўлган эди. Фестиваль иштирокчилари ана шу ҳақдаги хабарни қизғин кутиб олди.

Президентимиз Фармонига биноан иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилганди. Бугунги кунда қўплаб йигит-қизлар ана шу жамғарма гранти асосида жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония сингари ривожланган давлатларидаги нуфузли университетларда билим олмоқда. Стадионда ўрнатилган махсус экран орқали Германияда таҳсил олаётган «Умид»чи ёшлар билан сунъий йўлдош ёрдамида телемулоқот олиб борилди.

Ёшлар мусиқий жамоалари, «Умид юлдузлари» ёш истеъдодлар фестивали иштирокчилари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, таниқли эстрада юлдузларининг мусиқий дастурлари кечага ўзгача файз ва шукуҳ бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этдилар.

■ **Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

МАШҒУЛОТЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида норозилик намойиши бўлиши муносабати билан кечадан эътиборан шаҳардаги барча олий ўқув юртларида машғулотлар вақтинчалик тўхтатилди. Бу ҳақда Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги вакили журналистларга хабар берди.

ИИВ маълумотларига кўра, 500 га яқин намойишчи пайшанба куни Жалолобод шаҳридан пиёда Ўшга қараб йўл олган. Улар йўл-йўлакай ўз гуруҳини намойиш тарафдорлари билан янада «бойитиб», Ўшда катта норозилик акциясини ўтказишмоқчи.

Маълумки, Қирғизистоннинг жанубида 4 ойдан бери оммавий норозилик чиқишлари давом этмоқда. Улар Қирғизистон депутати Азимбек Бекназаровнинг тўлиқ оқланишини талаб этишмоқда. А.Бекназаров бундан 8 йил муқаддам прокуратура терговчиси бўлиб ишлаган пайтда мудҳиш жиноятни яширганликда айбланган эди, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

ОГОҲЛИККА ЧАҚИРДИ

АҚШнинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси вакиллари мамлакатда истиқомат қилувчи Америка фуқароларини огоҳликка чақирди. Яъни бемақсад кўчага чиқмаслик, машинага ўтиришдан аввал уни синчиклаб текшириш лозимлигини уқтирди. Негаки, америкаликлар «қўзатув остида» бўлиши мумкин, дейилади элчихонанинг огоҳлантирувида.

Бундай огоҳлантиришга сабаб, пайшанба куни Буюк Британия фуқароси машинага қўйилган бомба портлашидан ҳалок бўлганлигидир.

ИККИНЧИ ЎҒИЛ ҲАМ ҚАМОҚДА

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжуннинг кенжа ўғли порахўрликда айбланиб қамоққа олинганига бир ой ўтиб-ўтмай, иккинчи ўғли Ким Хонг Оп ҳам худди шу айб билан қамалди.

Тергов жараёнида аниқланишича, Ким Хонг Оп нуфузли бизнесменлардан 2 миллиард вондан ортиқ (2 миллион еврога яқин) пора олган. Бу пуллар отаси томонидан очилган жамғарма ҳисобига кирим қилинган. Жамғармани эса президентнинг иккинчи ўғли бошқарарди.

Шу йил парламент ва президент сайловлари ўтказилиши олдидан президент оиласининг бу можароларга аралашиб қолиши мамлакат раҳбарининг обрўсини тушуриб юборди. Шу важдан ҳам 76 ёшли президент бу можаролар Демократик партияга таъсир этмаслиги учун партиянинг раҳбарлик таркибидан чиқди.

ҚОНУН ВА ҲАЁТ

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — ҚОНУНГА ИТОАТДИР

Инсон етукликка интилар экан, аввало, унинг шуурида ҳуқуқий билимлар пишиб етилмоғи шарт. Зотан, у барча илмларни эгалламасин, ҳуқуқий онгини шакллантиролмаса ҳаётда кўп тўсиқларга дуч келаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори чиққанига ҳам беш йил бўлди. Ушбу Фармон ва қарорга асосан Тошкент давлат юридик институти ҳузурида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ташкил этилган эди.

Албатта, ҳар бир киши ўтган бу даврда нима ишлар қилинди, дея савол бериши, табиий. 1997 йил 29 августда Олий Мажлис «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни тасдиқлади. Дастурга кўра, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бериш, жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш ва бошқалар Марказ фаолиятидаги энг асосий вазифалар деб белгиланди.

Айни кезда Марказ ўз вазифаларини тегишли ҳуқуқий ва таълим-тарбия муассасалари ва бошқа жамоатчилик бирлашмалари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Шу билан бирга Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари малакали ҳуқуқшунослардан иборат маърузачилар, тарғиботчилар таркибини вужудга келтирди. Бу билан ҳуқуқий-маърифий тарғибот мавзулар кўламини анча кенгайтирди. Улар томонидан асосий қонунимиз — Конституциямизни, Парламент қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни омма ўртасида тарғиб қилиш, уларни ҳаётимизда тутган ўрнини, амалда жорий этиш усулларини тушунтиришдир.

Эндиликда Марказ ва унинг вилоят ҳамда туманлардаги бўлимлари турли жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар, корхоналар, маҳаллалар, ўқув юртлари, ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ҳуқуқий-маърифий тадбирлар режалари асосида ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Бинобарин, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда Марказ маълум ютуқларга эришди. Айниқса маҳаллаларда, мактабларда, ўқув юртларида ҳуқуқий мавзулардаги тарғибот ишларига катта эътибор қаратилди. Масалан, маҳаллаларда 1998 йилда 5424 та тадбир ўтказилган бўлса, 2001 йилда 12796 тага ошди, мактабларда ҳуқуқий мавзуларда ташкил этилган учрашувлар ва давра суҳбатлари шу йилларда 3347 тадан 6955 тага кўпайди. Умуман, республика бўйича ҳуқуқий мавзуларда 1998 йилда 23904, 2001 йилда 47671, маъруза ва давра суҳбатлари ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

ЖУРНАЛИСТ

ЖАСУР ВА ФИДОЙИ, ХОЛИС ВА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛМОҒИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Газета Бош муҳаррири **Сафар ОСТОНОВ**: — Азиз устозлар! Аввало, сизларни, барча фахрийларимизни яқинлашиб келаётган байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклаймиз. Сизларнинг ҳар бирингиз матбуотимизда ўзингизга хос мавқе, ҳурмат-эътиборга эгасиз. Сизлар бутун умрингизни оғир ва шарафли, машаққатли ва қутлуғ касбга боғлаб келмоқдасиз. Бошқача айтганда, бир умр мамлакат, миллат ташвиши, қувончи билан яшаб, янгиликлар ва ўзгаришлардан илҳомланиб, ҳамон ижод қилиб, кўп ёшларга ибрат бўлиб келмоқдасиз.

Сизлар катта ҳаёт мактабидан ўтган, пасту баландни кўрган, журналистика касбининг барча сиру асрорларини билган инсонларсиз.

Шу нуқтаи назардан бугун биз Сизларнинг маслаҳатларингизни олишни, фикрларингизни билишни жуда-жуда истардик.

Бугун газетхон дилига йўл топиш, юзлаб нашрлар ичида эътибор қозониш осон эмас, албатта. Бунинг учун тинимсиз ўйлаш, изланиш зарурлигини яхши биламиз. Айни чоғда сизларнинг маслаҳатингиз ҳам биз учун қадрли. Қандай камчиликларга йўл қўяяпмиз, қайси мавзуларга эътиборни кўпроқ қаратишимиз лозим, деб ўйлайсиз?..

Зиёд ЕСЕНБОЕВ:

—Жуда тўғри айтдингиз. Чиндан ҳам бугунги газетхон кечаги газетхон эмас. Унинг диди юксак, онги равшан, талаби қатъий. Шунинг учун ҳам образли маънода олганда, инсон ҳаёти учун қуёш, ҳаво, сув қанчалик зарур бўлса, халқ учун, унинг маънавий-сиёсий дунёси учун матбуот ва унинг намояндалари — журналистлар ҳам шу қадар зарур. Улар ҳамиша шу улуғликда ва шу иззат-ҳурмат даражасида туриши лозим. Мен бу гапларни матбуотда ишлаган 60 йиллик меҳнат фаолиятим сабоқларидан келиб чиқиб айтаяпман...

Кўп оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Бугун матбуот мутлақо эркин. Бу катта имконият. Қадрига етиш керак. Таклифим — Истиқлол ғоясини ранг-баранг ёритиш керак. Халқ ичига кириб бориш керак. Халқ кўнглида гап кўп.

Мақсуд ҚОРИЕВ:

— Газетага муҳаббатни — халққа бўлган муҳаббат деб биламан. Мустақилликнинг ўн бир йиллиги келаяпти. Ўн бир йил ичида одамларнинг нафақат онгида, одобида ҳам юксак ўзгаришлар сезилди. Лекин, «гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, виждонини ҳам, иймонини ҳам ютганлар бор. Назаримда, газетада ахлоқ-одоб бўлимини тиклаш керак.

Тўғри, бугун биз табиатни, ҳайвонот оламини сақлаш учун уринаяпмиз. Лекин иймонимизни-чи? Одобимиз ва виждонимизни сақлашга ҳам ҳаракат қилишимиз керак. Бир пайтлар газетамиз қошида ахлоқ кенгаши бўларди. Унинг атрофига катта-катта шоир ва ёзувчиларни жалб қилгандик. «Ёзувчи ижодхонаси» деган рукнга шу кенгаш бош-қош эди. Орият, иймон, виждон тушунчалари ҳақида катта-катта материаллар тайёрлаганмиз. Бунинг учун атоқли адибларни, зиёлиларни газета атрофига тортиш керак. Яна бир истагим — газетада фельетон жанрини тиклаш жоиз.

Энди биз ишлаган давр билан ҳозирги кун ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Энг муҳими, ҳозир эркинлик бор. У пайтлари кўп мақолалар юқорида ўқитилиб, кейин босиларди. Бир томонда ЦКнинг идеология бўлими, бир томонда цензура, кўнглимизда бошқа гап, ёзганимиз бошқа гап эди.

Расул РАҲМОНОВ:

— Ҳозир бир мавзуни бир мафкурага бўйсиндириб ёритасан деган буйруқ йўқ. Кўпфикрлиликни Юртбошимизнинг ўзлари талаб қилаяптилар. Матбуотга алоҳида эътибор кўрсатмоқдалар. Журналист жасур ва фидойи, холис ва ҳозиржавоб бўлмоғи кераклигини доимо уқтирадилар.

Аммо ҳаётнинг шиддатли ўзгаришларидан ортда қолаяпмиз. Тенгма-тенг қадам ташлаш учун кўп ўқиш, изланиш керак.

Ҳозир одамлар нигоҳи қадалган мавзулар кўп. Масалан, меҳр мавзуси, меҳр тарбияси. Мана бугун биз фахрийларни таҳририятга таклиф қилиб, фикр-мулоҳаза сўраб, бир пиёла чой устида бўлаётган гурунгимиз ҳам меҳрнинг ифодаси. Меҳр бор жойда иш ҳам бўлади, ижод ҳам. Маънавият бўлими ходимлари шу мавзуни кенгроқ ёритишга, керак бўлса, бу ҳақда қалам тебратиб юрган катта журналистларни ўз атрофига тортишлари зарур деб ўйлайман.

Яна бир таклиф, халқаро воқеалар ҳақида ахборотлар билан чекланиляпти. Одамларга тушунтириб шарҳлар берилса.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ:

— Бугунги кунда газетада эълон қилинаётган танқидий материалларнинг таъсирчанлиги ошаяпти. Буни уларга келаётган жавобларда билдирилган муносабатдан ҳам билса бўлади. Яқиндагина газета юзини кўрган «Эртага келинг... ва яна 200 сўм беринг» номли мақолага орадан уч кун ўтиб нуфузли идоралар томонидан жавоб олиниши эътиборга сазовор. Ёки «Текин «атлас»дан пул топаётганлар» сарлавҳали танқидий мақола ҳам газетхонлар диққатини тортганлигини таъкидлаш жоиз. Газета ана шундай мақолаларни кўпайтириб бориб, жойлардаги иллатларнинг илдизига болта ураверишининг тарафдоримиз. Вилоятлардаги мухбирлар хушёрроқ бўлишлари зарур. Токи, Президентимиз вилоятларга бориб, навбатдан ташқари сессияларда айтаётган танқидий фикрларни кутиб ўтирмасинлар.

Собиржон ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими, газетанинг эски муштарийси ва жамоатчи муаллифи:

— Партиямиз «Ўзбекистон овози» таҳририяти ва ижодий жамоаси фаолиятини юксак қадрлайди ва газетанинг узлуксиз чиқишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга ҳамиша кўмаклашади. Шу билан бирга, Марказий Кенгаш ислоҳотлар йўлида учраётган тўсиқларни бартараф қилиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролар, шу жумладан, Ўзбекистон ХДП аъзоларининг фикр-ўйларини бериб боришни, партия ташкилотлари фаолиятини кенгроқ ёритишни тавсия этади. Зеро, газетага қизиқишнинг ортиши, унинг тиражининг ўсиши, биринчи навбатда ана шуларга боғлиқ.

Жуманиёз ЖАББОРОВ:

— Биз ишлаган кезларда адабиётда яратилган энг яхши шеър, энг яхши наср, энг яхши ҳажвиялар фақат шу газетада босилиши керак, деган талаб қўярдик. Бугун ҳам шундай бўлиши керак. Шеърларнинг шеъри, насрнинг зўри дастлаб «Ўзбекистон овози»да ёритилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бу даргоҳдан Ғафур Ғуломнинг наъраси, Ойбекнинг сукунати, Абдулла Қаҳҳорнинг мулоҳазаси ҳалиҳали акс-садо бериб туради. «Ёзувчи ён дафтаридан», «Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан», «Назм ва наср» сингари саҳифалар ва рукнларни қайта жонлантириш лозим.



Миршароф МУҲСИМОВ:

— 70-80 йиллардагидек, газетада очиқ хатлар куни ўтказилиб турилиши маъқул, деб ўйлайман. Эсингизда бўлса, таҳририят қошида жамоатчилик қабулхонаси бўларди. Унинг атрофида ҳуқуқшунослар, етук журналистлар иш олиб боришарди. Шикоят билан келган одамлар уларнинг ҳузурида бўлиб, муаммосига ечим, дардига малҳам топар эдилар. Газетага бўлган ишончлари ортарди. Ҳозир ҳам муаммолар кўп. Масалан, кўчада тоғни урса талқон қиладиган йигитлар бўғирсоқ сотишаяпти. Бозорда аёлларимиз қоп кўтариб юрибди. Булар жиддий, ахлоқий-ижтимоий муаммолардир. Уларни кўтариш керак. Шу мавзуда ёзаётган журналистлар ихтисослашиши ҳам зарур. Бўлимларга ўз соҳасига ихтисослашган журналистларни танлаш лозим.

Фозил ЗОҲИДОВ:

— Бу ерда одам бўлиш ҳақида кўп гапирилди. Дарвоқе, одам, одамгарчилик сингари мавзулар ҳозирги кунда жуда-жуда керак. Биз кекса авлод ана шундай мавзуларда ҳар қанча ёзиб беришга тайёрмиз. Керак бўлса, мусобақалашиб ёзамиз. Кексалик ақлнинг қуюқлашган, фикрнинг тиниқлашган вақти. Ёш, иқтидорли журналистларга бу борада ёзишни ўргатишга тайёрмиз. Айни пайтда етук, малакали журналистларни вилоятларга тез-тез хизмат сафарларига юбориб турингизлар. Биз улар билан бирга ҳаётни кўрайлик. Нафақага чиқдим деб, уйда бекор ўтиришнинг пайти эмас. Топшириқ беринглар, ёзамиз...

Дилбар МАҲМУДОВА:

— Журналист доим изланишда бўлиши лозим. Бирор мавзуни тез ёзаман деб чалачулпа ёзмаслик керак. Қанча кўп ўрганилса, шунча яхши ёзилади. Ёдимда, «Тақдир», «Қайнона», «Қайнота», «Дийдор» сингари ахлоқ мавзуидаги мақолаларимнинг ҳар бири учун 6-7 ойлаб материаллар тўплаганман. Шошмасдан ёзганман. Уларнинг муваффақиятли чиқишига ўша пайтдаги устозларим ҳам сабабчи. Мен бугунги кунда «Ўзбекистон овози»да қалам тебратаётган ҳар бир журналистга ҳам шуни истайман. Газетада хотинқизларга ғамхўрлик, айниқса, журналист касбини танлаган аёлларга иззат-ҳурматли бўлишни маслаҳат берган бўлардим.

Охунжон ҲАКИМОВ:

— Сўнгги пайтларда газетамизда танқидий материалларга нисбатан дадиллик кучайди. Энди мен унга жасорат ҳам тилаган бўлардим, ҳар қалай «Тўртинчи ҳокимият» деган номимиз бор. Шу номга яраша ҳаётда учраётган иллатларга, маънавий тубанлик ва сўқирлик кўчасига кирган шахсларга қарши курашда жасоратли бўлайлик. Қишлоқларда юз бераётган ўзгаришларни тезда илғаб олиш учун чинакам журналист кўзи билан қараш керак. Ҳаётни, воқеа-ҳодисаларни шунчаки тасвирлаб бериш билан чекланмаслик, аксинча, ўйчанлик ҳамда чуқур мушоҳада билан қаламга олайлик. Ҳар бир воқеанинг ижтимоий моҳиятини партиявий мавқеидан туриб очиб берайлик.

Муроджон МАНСУРОВ:

— Газетада ишлаган, ижод қилган кезларимни ҳар бир лаҳза қўмсаб тураман. Ҳозир ҳам ҳар сонини ўқиб бораман. Яхши ўзгаришлар сезилаяпти. Танқидий мақолалар кўпайди. Аммо, боя айтилганидек ҳар соҳанинг ўз эгаси бўлиши керак. Журналистлар ихтисослашувида гап кўп.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий ишчилар синфининг, ҳунармандчиликнинг шаклланиши ва ривожланишига оид янги рукнлар очилса, деган таклифим бор. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиётида саноатнинг тутган ўрни беқиёсдир. Саноат эса малакали ишчилар салоҳиятига боғлиқ.

Абдуллажон АБДУҚОДИРОВ:

— Бугун газеталарда жанр танқислиги сезилмоқда: репортаж, очерк, фельетон жанрлари йўқолиб кетди. Ҳолбуки, шу жанрлар газета обрўсини белгилаб беради. Биз уларда ҳамма нарсани: яхшини ҳам, ёмонни ҳам зийраклик билан пайқай олишимиз, сиёсий фикр юрита билишимиз керак. Масалан, ҳозир ўзбек журналистлари иқтисодий мавзуда фаол қалам тебратишмаяпти. Нима учун энди биздаги иқтисодий ислоҳотлар ҳақида бошқалар ёзиши керак?! Шу маънода юқорида ҳамкасбларим айтган гап — журналистлар ихтисослашиши керак деган фикрга қўшиламан. Ҳар бир журналист ўзи ишлаётган бўлим йўналишига ихтисослашса шубҳасиз, газетада ўқишли материаллар кўпаяди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ:

— Партия ҳаётини ёритишга кўпроқ эътибор бериш керак. Ҳозир Халқ демократик партияси сафларида 560 минг аъзо бор. Шундай катта армиянинг ҳаёти ва фаолиятига оид жонли репортажлар, очерклар ёзилса, қандай соз иш бўлган бўларди. Эҳтимол, газетада «Партия турмуши» рукнини тиклаш керакдир. Бошланғич партия ташкилотларидан хатлар уюштирилса бўлмайдими...

ЯХЁ ТЎХТАЕВ:

— Бир вақтлар ҳар бир таҳририятда мақолаларнинг саралашини-сарак, пучагини-пучак баҳоловчи «яхши», «ёмон» деган кўзгу — тахта бўларди. Унда нафақат мақолалар, балки газетанинг макети ҳам кўзга ташланиб турарди. Литучкаларда «вёрстка»нинг сифати, безаги устида баҳс юритардик. Ана ўша иш тартибига қайтилса, ёмон бўлмасди... 38 йил шу даргоҳда масъул котиб ўринбосари, масъул котиблик қилдим. Макетлар тузавериб, уста бўлиб кетганман. Керак пайти чақирингланг, кези келганда ёрдамлашиб турай...

Яна бир гап, сурат сифатига кўп нарса боғлиқ. Сурат газетани ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитади, чиройини очади.

Давра суҳбатида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг бир қисминигина ёритдик, холос. Фахрийларимиз кўплаб фойдали таклифлар айтишди, маслаҳатлар беришди.

Бу қимматли фикр-мулоҳазалар газетамизда янги рукнлар очилиши, янги мавзулар кўтарилишига хизмат қилади.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ЮРТИМИЗ МАВҚЕИ ЖАҲОН НАЗДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Гап иқтисодиёт ҳақида кетаётган экан, Юртбошимизнинг 21 июнь куни бўлиб ўтган яна бир қабули ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Президентимиз ўша куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик де Врайер билан учрашди. Бу — Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокамаси учун жуда қулай имкон бўлди. Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг охирида мамлакатимиз ва ХВЖ ҳамкорлиги тўғрисидаги меморандум имзоланганди. Учрашувда ана шу ҳужжат доирасида ишлаб чиқилган дастур ва унда белгиланган барча тадбирлар, жумладан, жорий йилнинг 1 июлига қадар ижро этилиши керак бўлган вазифалар Ўзбекистон томонидан тўла адо этилганлиги жаноб Эрик де Врейерда катта таассурот қолдирганлиги мамнуният билан изҳор этилди. Меҳмон мамлакатимизга бўлган ҳурмати ва эътибори ифодаси сифатида унинг иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишда жамғарма иштироки қамровини янада кенгайтириш юзасидан ўз фикрларини айтди.

Ўтган ҳафта воқеалари ичида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбстнинг Самарқанд Тарих ва маданият давлат музейига қилган ташрифи ҳам эътиборга лойиқ. Элчи жаноблари музейга Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ҳузуридаги Элчилар жамғармасининг маданий меросларни сақлаш бўйича 12 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантини топширди. Қолаверса, Ўзбекистон икки йилдирки, Вашингтонда жойлашган Элчилар жамғармасининг ана шундай грантига сазовор бўлмоқда. Бундай грантга шу йил жаҳондаги 51 мамлакатнинг бири сифатида мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан яна Ўзбекистоннинг муяссар топилиши — Америка Қўшма Штатларининг бизга бўлган ҳурмати белгисидир, албатта.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги жўғрофийсиёсий ва иқтисодий обрў-эътибори, салоҳияти ҳамма жабҳада кун сайин ошиб бораётганидан, буюк мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ишлар, нуфузли учрашувлар, халқаро йиғинлар, анжуманлар маркази бўлиб қолаётганидан, таъбир жоиз бўлса, юртимиз ўз мавқеи билан жаҳон наздига тушаётганидан ёркин далолатдир!

ҚОНУН ВА ҲАЁТ

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — ҚОНУНГА ИТОАТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, бу рақамлар бажарилган ишларимизнинг тўлиқ манзарасини бера олмайди. Асосий мақсадимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат қилишга даъват этиш. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир.

Ушбу масалалар марказнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган конференцияларда, семинарларда кенг кўламда ўрганилиб, таҳлил этилиб борилади. «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш вазифалари тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги семинарлар, «Виждон эркинлиги: муаммолар, изланишлар ва тажрибалар», «Шарқ мутафаккирлари ва инсон ҳуқуқлари ғояси», «Оила, маҳалла, Ватан», «Адолат — қонун устуворлигида», «Ўзбекистон Республикаси парламенти: бугуни ва истиқболи» мавзуларидаги илмий-амалий конференциялар ўтказилдики, уларнинг ҳар бири қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Шундай тадбирлар республикамизнинг вилоятларида ҳам ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган, Фарғона минтақавий бўлимлари эса ўз иш фаолиятларида кўпроқ услубий қўлланмалар тайёрлашга қаратдилар. «Демократик сайлов — тараққиётимиз омили» мавзуидаги маъруза матни, «Оила кодекси» плакати, «Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолати» мавзуидаги рисолалар тайёрланиб, кенг оммага тарқатилди.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг ижроси юзасидан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга мўлжаллаб 2001 йил 14 августда Тошкент шаҳар адлия бошқармасида ҳар бир маҳаллага адвокатлар бириктириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Демак, қонун устуворлиги учун бошланган ишларимиз, ташланаётган қадамларимиз янада баракали ва залворли бўлади, дейишга асосимиз бор.

■ **Муҳаббат БОБОЖОНОВА,**
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлим бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 25 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	430,53
1 Англия фунт стерлинги	1122,22
1 Дания кронаси	98,13
1 БАА дирхами	204,22
1 АҚШ доллари	750,05
1 Миср фунти	162,70
1 Исландия кронаси	8,49
1 Канада доллари	493,49
1 Хитой юани	90,62
1 Малайзия рингити	197,41
1 Польша злотийси	187,47
1 СДР	980,08
1000 Туркия лираси	0,48
1 Швейцария франки	495,47
1 ЕВРО	726,42
10 Жанубий Корея вони	6,23
10 Япония иенаси	61,42
1 Россия рубли	23,85
1 Украина гривнаси	140,75

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ТУБСИЗ



Ғира-шира қоронғилик тушган пайт. Таксида кетарканман, ахён-ахёнда машинага қўл кўтараётган ёш йигитларга кўзим тушади. Такси тўхташи билан «Военная площадка»га олиб борасизми?», деб сўрашади. Ҳайдовчи бошқа томонга кетаётганини айтади. Қизиқиб ҳайдовчидан: «Ҳарбий майдонча»си қаерда, нега у ерни кўп сўрашаяпти?» — дейман. Ёши анчага бориб қолган ҳайдовчи чуқур хўрсиниб гап бошлайди:

— «Ҳарбий майдонча»ни сўраганларнинг аксарияти «герчик», яъни гиёҳванд болалардир. У ерга бариг (гиёҳванд модда сотувчи)лардан «дори» сотиб олишга боришади. Ана шунақа, сал қоронғи тушиши билан булар ўша ёққа серқатнов бўлиб қолишади. Бу шаҳардаги бир «нуқта», холос.

— Кечирасиз, Термиздаги бу «нуқта» қаерда жойлашган ўзи? Уларни машинангизга миндиришдан қўрқмайсизми? — сўрайман ҳайратим ошиб.

— Йўқ, — деди ҳайдовчи бироз тин олиб, — улар пиёда юришга қўрқишади. Негаки, милиция ушлаб олиши мумкин. Шунинг учун айтган баҳонгизни тўлаб машинада тезроқ бориб «дори» олиб келиб «роҳатланиш» пайида бўлишади. Шунинг учун улар «мўминқобил»гина бўлиб олишади, чунки фикри-зикри ҳалиги ўлгур оғуда бўлади-да. Қараб туриб уларга одамнинг раҳми келади. Ҳар кечқурун аҳвол шу. Ёш йигит-қизлар умрларини ҳазон қилаётганларини кўриб одамнинг юраги эзилиб кетади. Гапирсанг «Гиёҳвандни даволаб бўлмайди, ака, ундан фақат ўлиб қутулиш мумкин», — дейди улар. Хонадонга чақкон кириб «дори» олиб чиқаётганини, тезроқ бехавотир жойга бориб ундан «бахраманд» бўлиши учун кўзлари ёнаётганини кузатарканман, «бу кетишда авлод зурриёди қандай қолади, эй яратган эгам, ўзинг мадад бергин!» дейман.

Ана шунинг учун қош қорайгач болаларимни кўчага чиқишга қўймайман. Ахир баъзида ўзимиз ҳам болаларимизни шундай йўлга киришига имкон яратиб берамиз. Бемаҳалгача кўчада сандираклаб юрса ҳам «Қаерда эдинг, нима иш қилиб юрибсан?», дея тергамаймиз, ишимиз бўлмайди, бепарвомиз. Кўра-била туриб, бирор ҳунар ўрганиш, оилани тебратиш учун ўз улушини қўшиш, спорт билан шуғулланиш, бунёдкорлик, яратувчанлик руҳида тарбияламоғимиз лозим. Мактабни тугатгач, аксарият ёшларнинг қўлида ҳунари бўлмайди, бекор юради, чекишни, ичишни ўрганади.

— Ҳозир ёшим 48 да (лекин уни кўрган одам 60 га яқинлашиб қолган деб ўйлайди. А.Ж.), бир пайтлар обрўйим чакки эмас эди. Савдо соҳасида ишлардим. Акаларим, опа-сингилларим укаларим бор. Уларнинг тетапоя бўлиши учун, миннат бўлмасин, кўп хизматларим, ёрдамим теккан. 19 ёшимда ота-онам уйлантиришди. Йўқ, зўрлаб эмас, ўзим севган қизга уйландим. Жуда бахтли эдим. Бирин-кетин уч фарзандимиз туғилди. Ишонсангиз ўзим ҳам тиниб-тинчимас эдим. Уйим-жойим деб елиб-югуришдан чарчамас эдим. Тез орада катта ҳовлили, уй-жой қурдим. Шахсий автомашина, уй, ошхона жиҳозларининг энг зўридан, қимматбаҳо турларидан сотиб олдим. Хуллас, уйда шундай шароит яратдимки, шаҳардаги энг бойваччалар ҳам ҳавас қиладиган даражада эди. Қаранг, тўқликка шўхлик экан-да, ҳатто ўзим, хотиним тиш дўхтирига бориб соппа-соғ тишларимизни суғуртириб ташлаб, тилладан тиш қўйдирибмиз денг. Эҳ-ҳе, ўша даврлар ҳам ўтиб кетди-я...

...Қаршимда ўтирган, озиб-тўзиб кетган, соч-соқоли ўсган деновлик Юнус (номи ўзгартирилди) деган кишининг гапини бўлмай жим эшитиб ўтирардим. У ўз ҳикоясини давом эттирар экан, қараб «Билмайман, мен бир пайтлар қандай одам эдим-а!», дегандай хира кўзлари билан боқар ва дармонсизлиғиданми, тинмай «уф» тортар эди:

Ниҳоят, бироз жим тургач, яна давом этди.

— Кунлардан бир куни Туркманистондан бир язнам (поччам) меҳмонга келди. Термизга у-бу нарса сотишга келган экан. У уйимизда 10-15 кунча турди. Фақат доим ошхонамизга ўтиб қандайдир дориларни ёқиб, тутатарди. Уч-тўрт кун ўтгач менга ҳам «Бир тортиб кўр, чарчоғингни олади», деб қолди.

Эсимда, ўша куни ишдан ҳориб келган эдим. «Ҳай, бир тортсак тортайлик-чи», деб синаб кўрдим. Рости, унча «кайфи»ни сезмадим. Аммо қандайдир кўнглим айнигандай бўлди.

Эртаси куни поччам яна: «Қани жиян, бугун ҳам бир чекиб кўр-чи, кечагидай бўлмайди, бошқача бўлади», — деб қўймади. Йўқ деёлмай рози бўлдим. Шундан бутун вужудимга бир ором бахш этди. Оғриган тиззаларим, оёқларим ёзилгандек бўлди. Ва шу-шу... озгина-озгина истеъмол қилиб, нашавандликка ўрганиб қолдим. Оғу худди мангитдай ўзига тортарди. Қоғоздан трубка ясаб «дори»нинг тутунини тортардим. Шунда чиндан одам ўзини енгил ҳис қиларди. Агар кўпроқ миқдорда қабул қилсам, бутун азойи баданим қизишиб қичишарди. Кейин... яна истеъмол қилаверасиз. Одам организми ўзи билдиради. Шундан сўнг денг, аввал чекдим, сўнг героинга ўтдим. Сигаретанинг ялтироқ қоғозини ёқиб, фалгасига героин моддасини ёқардик. Ҳар кун чекавергандан сўнг кундан-кун жисмингиз янада кўпроқ «доза» талаб қилаверар эканда. Сўнг қўлимга укол қиладиган бўлдим. Бу «оқ ажал» мени шу қадар ўраб олдики, ундан ажралиш мутлақо мумкин эмас эди. Бирор кун «дори» тополмасам, мен учун гўё ҳаёт тамомдек туюларди.

Хуллас, секин-аста уйдаги қўлга илинадиган нарсаларни сота бошладим. Менга қўшилиб хотиним ҳам чекишга «ўтирди». Аввал машинани сотдим. Сўнгра уйдаги телевизор, уй жиҳозлари-ю гилам, коса-товоқларгача пулладик. Улар ҳам тугагач, уйнинг эшик-деразалари, ҳатто томни очиб шифер-тахталаригача сотиб юбордим.

Бўлмади, кунлар кетидан кунлар, йиллар ўтарди. Бир пайтлар чирой учун қўйдирган тилла тишларимни тиш қўйиш поликлиникасига келиб суғуртирдим. Уларнида сотиб юбордим. Аммо яна пул керак бўларди. Онда-сонда ўғирликлар қилардим. Барибир булар етмасди, ҳар куни энг юқори «доза»ларда 5-6 мартагача уколь олмасам туролмай қолгандим. Хотиним ҳам худди шундай. Кўчаларда юрарди. Ахийри, илож бўлмай шипшийдам уйни, ҳовлини бировга сотиб юбордим. Ўзимиз болаларни олиб ижарада турдик. Бироқ, ижара пулини ҳам тўлашга маблағ йўқ эди. Уч нафар фарзандимизнинг каттаси қиз ҳозир — 15 ёшда, иккиси ўғил 7-11 яшар. Уларни Деновга оғайниларга бериб юбордик. Чунки уларга кунлаб, ҳафталаб овқат топиб беролмасдик.

Шундай қилиб 18 йил гиёҳвандлик кўчасида бўлдим. Оиламдан, бор-йўғимдан айрилдим. Аммо касалхонага ётиб узоқ даволангач, ўтказган умримга боқиб, бу йўлдан кеч бўлса ҳам қайтишга куч топа олдим. Ҳозир бир йилдан ошдики, умуман наркотик истеъмол қилмаяпман. Хотиним ҳам, ўзим ҳам гиёҳвандликни ташладик. Хўжаликдан ижарага ер олдим, ишлаяпман. Аввалгидек бахтиёр оиламни тикласам, дейман. Ўйлайманки, бунга иродам етади. Бир марта адашиб кўп пушаймон бордим. Газета парчасига ўралган озгина оқ кукунни елим сақичнинг зар қоғозининг устига тўкиб, чақмоқтошни ёқиб остидан бир оз ушлаб турди. Шунда тутун кўтарилди. Улар қоғоздан варонка ясаб «Тутунни ичинга торт!», дейишди. Шундай қилдим, анчагина ёқимли кайф берди... Аста-секин ўша «герчик» болалардан ўшанақа дори сотиб олиб, чекиб юрдим. Бир куни бирга чекадиган ўртоқларимиздан биттаси Тошкентдан гиёҳванд модда олиб келди. «Зўр, бир чекинглар» деди.

Р.Т. гиёҳванд:

— Бир ўтиришда яхшигина ичиб кайф қилгач, «тоза ҳаво» олгани кўчага чиқдик. Шунда ўртоғимнинг дўстлари четга ўтиб, ниманидир тутатиб чека бошлашди. Бирови менга: «Бир чеккин, маза қиласан», деди. Қизиқиб уларга яқин бўлдим.

ОГОҲЛИК

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ЗАРУРАТ

Республикамизда табиий офатларнинг олдини олишда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кенг кўламли ишларни олиб бормоқда

Маълумки, сўнгги 30 йил мобайнида дунёда табиий офатлардан 4 миллион киши ҳалок бўлган, 3 миллиард фуқаро эса жабрланган. Умумий моддий зарар 350 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Матбуотда чоп этилган маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 60-йиллари охирида бир йилда ўрта ҳисобда фавқулодда вазиятлардан ер юзида ҳар 62 нафар одамдан 1 киши жабрланган бўлса, 90-йилларнинг охирига келиб бу рақам 29 тага 1 та тўғри келиши ва кўрилган моддий зарар миқдори йил сайин ортиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу борада республикамиздаги аҳвол қандай?

Кўп йиллик кузатиш натижаларига кўра, республикамизда сел хавфи асосан апрель-июнь ойларига тўғри келади. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг айрим ҳудудларида, қисман Фарғона вилояти туманларида сел хавфи пайдо бўлиши кузатилган. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ва бошқа тоғолди ҳудудларда шу йилнинг 20-22 апрель кунлари бўлиб ўтган жала-ёмғирлар қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказди. Сел ва кўчкилар туфайли кўриладиган моддий ва ижтимоий зарар миқдори ортган.

Шу ўринда сел ва кўчкига таъриф берсак.

Сел — бу тоғ дарёлари ўзанларида тўсатдан юзага келувчи, сув, тоғ жинслари бўлаклари аралашмасидан иборат лойқа ёки лойтошли оқимдир. Сел пайдо бўлишига олиб келувчи омиллар қуйидагилардан иборат: кўп миқдорда ёғин ёғиши, тоғларда муз ва қорларнинг эриши, сув ҳавзаларидан сувнинг уриб кетиши, жой тузилишини ҳисобга олмай хўжалик фаолиятини олиб бориш ва бошқалар.

Кўчки — намгарчилик туфайли оғирлик кучи таъсирида тоғ жинсларининг қиялик бўйлаб пастга томон силжиш жараёнидир.

Республика ҳукумати қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасига мамлакатимизда содир бўлиши мумкин бўлган гидрометеорологик ҳодисаларни прогнозлаш (яъни башоратлаш), кузатиш ва назорат қилиш юклатилган. Шу мақсадда 53 та метеорологик, 10 та гидрологик ва бошқа бир қатор ихтисослашган кузатув станцияларини ташкил этиш режалаштирилган. Улар республикамизнинг турли ҳудудларида — юқори тоғларда, тоғ олди, текисликларда, чўлларда жойлаштирилди. Улардан олинган кузатув натижалари алоқа тизими ёрдамида «Бошгидромет» бошқармасига узатилади. Маълумотлар таҳлил этилиб, махсус хариталарга туширилади. Аммо бундай хаританлардан фақат айрим ташкилотлар ва мутахассислар фойдаланишлари мумкин, лекин ишлаб чиқариш корхоналари, қўшма корхоналар, муассасалар ва маҳалла қўмиталарида бундай хариталар йўқ. Шу сабабли ундан аҳоли фойдалана олмайди.

«Бошгидромет» бошқармасига, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идораларни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисини, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини гидрометеорологик ахборот билан таъминлаш ҳам топширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 мартдаги 96-сонли қарорига асосан табиий офат зарарларини камайтириш, оқибатларини бартараф этиш мақсадида ҳукумат комиссияси тузилиб, сел ва тошқин, кўчки хавфининг олдини олиш бўйича вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар олдига бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар қўйилган. Жумладан, хавфли ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилишлар олиб бориш, дарёларнинг қайирларидан кон билан боғлиқ бўлмаган жинсларни рухсатсиз қазиб олиш, дарёлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятларини пасайтириш ҳолларига қатъий барҳам бериш таъкидланади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ҳам ҳукумат қарорини бажариш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, фавқулодда вазият юз берганда аҳолининг вахима ва саросимага тушмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Демак, хавфли ҳодисалардан муҳофазаланиш борасидаги чора-тадбирларни фуқароларга эслатиш, тушунтириш ишларини қуйидаги тизимда: **уй, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти, хизмат жойлари, маҳаллаларда** олиб борилса ва бунда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланилса, ижобий натижаларга эришилади. Зеро, фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш барчамизнинг хавфсизлигимизни таъминлайди.

■ **Миржалил ЮНУСОВ,**
республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор

ШАРҲ

ЧИГАЛ, МУРОСАСИЗ МОЖАРО

ИСРОИЛ — ФАЛАСТИН МУАММОСИ: САБАБ, ОҚИБАТ! ЕЧИМ?..

Оммавий ахборот воситалари деярли ҳар куни Яқин Шарқдан нохуш хабарлар тарқатишади. Бу одат тусига кириб қолган, гўё шундай бўлиши керакдай. Айниқса, телеэкранларда берилаётган лавҳалар ҳар қандай кишининг дилини ҳуфтон қилади. Портлашлар, одамларнинг қурбон бўлишлари, танклар ва бульдозерларнинг бостириб киришлари, зўравонликлар, отишмалар, оҳ-воҳлар ҳар куни юз бериб турибди. Оқибатда оддий халқ — фаластинликлар ҳам, исроилликлар ҳам жабр чекаяпти. Жабрланганларнинг қиёфаларига назар ташланг: катталар ғазабда, болалар чеҳрасида эса қўрқув. Ҳар куни кўмиш маросимлари. Урушнинг охири кўринмайди, ғазаб ва жаҳолатни тўхтатадиган куч йўқдек.

Аслида Яқин Шарқда бу ҳолатнинг юзага келганига ярим асрдан кўпроқ вақт бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу ерда Исроил давлати ташкил этилди. Шундан сўнг бу давлат билан қўшни араб давлатлари ўртасида низолар келиб чиқа бошлади. Бу низолар катта урушларга айланиб кетди. Айниқса, дастлаб қирқинчи йиллар охирида, сўнгра олтмишинчи ҳамда етмишинчи йилларда юз берган Араб — Исроил урушларида минтақадаги вазият бутунлай издан чиқиб, можаро ечими йўқ тугундек чигаллашиб кетди. Ана шу урушлар оқибатида Исроил қўшни араб давлатлари ҳудудларининг каттагина қисмини эгаллаб олди. Шундан фақат Мисргина 1973 йилдаги урушда босиб олинган ўз ҳудудларини озод қилди. Бошқа араб давлатларининг ерлари эса Исроилнинг назорати остида қолиб кетди. Шу жумладан, Фаластиннинг ерлари ҳам. Шундан бери ҳатто БМТдек олий ҳакам ҳам бу можаронинг ечимини топа олмаяпти.

Умуман, БМТ бу масала билан 1947 йилдан бери шуғулланиб келаяпти. Бу даврда БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг кўп марта жиддий қарорлари қабул қилинди. Бироқ ҳар safar уларнинг ижроси таъминланмай қолиб кетаверди. Яқин Шарқда Исроил давлати пайдо бўлганидан кейин БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги қарорига кўра, Фаластин давлатини ташкил этиш имконияти туғилди. Бироқ ўша пайтда араб давлатлари бу имкониятдан фойдаланишмади. Кейинчалик эса бундай имконият бўлмади.

Ўз навбатида 1993 йилда Ослода олиб борилган музокаралар натижасида араблар билан тинч-тотув яшаш учун Исроилга ҳам қулай вазият яратилган эди. Яъни, босиб олинган ҳудудларни фаластинликларга қайтариш эвазига минтақада тинчлик ўрнатиш йўли топилганди. Бироқ, Исроил бу имкониятни бой берди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилдаги Яқин Шарққа доир машҳур қарорини эсланг. Агар ўшанда мазкур қарорга кўра, Исроил қўшинлари босиб олинган араб ҳудудларидан олиб чиқиб кетилганида ҳозиргидай аҳвол юз бермаган бўларди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши бу йил, яъни 2002 йилда ҳам Исроилдан ўт очишни зудлик билан тўхтатиш ва Фаластин мухторияти ҳудудидан барча ҳарбий кучларни олиб чиқиб кетишни талаб қилиб қарор қабул қилди. Ҳатто АҚШ ҳам бу қарорни қўллаб-қувватлаб овоз берди. Бироқ бу қарор ҳам минтақадаги ғазаб ўтини сўндира олмади.

Баъзи содда одамлар бу масалани ҳал қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли халқаро ташкилотнинг сўзи ўтмаётган, кучи етмаётган бўлса, деб ҳайратланишлари мумкин. Гап шундаки, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган баъзи давлатлар Фаластин билан ҳам, Исроил билан ҳам яхши муносабат ўрнатганлар. Улар ҳеч қайсисини хафа қилиб қўйгилари келмайди. Бир safar Исроилни ёқлаб овоз берсалар, бир safar Фаластинни ранжитмасликнинг иложини топишади. Чунки араб дунёси билан муносабатни бузишни исташмайди. Қарабсизки, музокаралар, муҳокамалар, мулоқотлар, учрашувлар йиллар, ўн йиллар мобайнида давом этаверади, келишувлар, аҳдлашувлар, битимлар, қарорлар эса қоғозда қолиб кетаверади. Кейинги бир йилдан бери Яқин Шарқ можароси билан БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгашидан ташқари АҚШ, Россия ҳамда Европа Иттифоқи жиддийроқ шуғулланмоқда. Бироқ самарадан дарак йўқ. Вазият тобора кескинлашиб, ўзаро нафрат ва ғазаб кучайиб боряпти.

Ҳозирги кескин вазият дастлаб ўтган йилнинг август ойида юзага келган эди. Бу Қуддуснинг мақоми билан боғлиқ. Шарқий Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмида фаластинликлар қурган уйлар қонунсиз деб ҳисобланиб исроилликлар томонидан бузиб ташланди. Бунга жавобан фаластинликлар ўч олишга киришди. Кейинги босқичда эса Исроил Фаластиннинг таниқли арбоблارини танлаб йўқ қила бошлади. Вашингтон Исроилнинг фаластинлик фаолларни танлаб йўқотиш усулини қаттиқ қоралади. Ўзаро ўч олиш кучайиб, Исроилнинг ҳам таниқли одамларига суиқасд бошланди. Бунга жавобан Исроил ҳарбий куч ишлатиб, зўравонликни амалга оширди. Исроил босиб олинган Фаластин ерларида уй-жойлар қуришни кучайтириб юборди. Фаластинликлар орасида эса террористик чиқишлар билан хуруж авж олди

Маълумки, энг даҳшатли воқеалар шу йилнинг ўтган ойларида юз берди. Бир томондан, террористик ҳаракатларнинг кўпайганлиги, иккинчи томондан, босқинчилик ва зўравонликнинг кучайганлиги оқибатида бегуноҳ одамларнинг, биринчи навбатда ёш болаларнинг қурбон бўлиши кун сайин ортиб борди. Исроил яқинда ўзини террорчилардан ҳимоя қилиш учун 300 километр узунликда девор қуришга киришди. Бироқ қузатувчилар бу девор ёрдам бермайди дейишяпти. Ҳар бир террористик ҳуруж учун Ариэл Шарон шахсан Ёсир Арафотни айблаяпти. Ваҳоланки, Исроил уни бир қанча вақт уй қамоғида сақлаб, эркин ҳаракат қилишини чеклаб қўйди. Бунинг устига Фаластинда Ёсир Арафотга бўйсунмайдиган сиёсий кучлар ҳамда жангари гуруҳлар оз эмас. Айнан улар террористик хуружларни амалга оширишда мустақил ҳаракат қилишлари мумкин.

Яқин Шарқ можароси боши берк кўчага кириб қолганлиги бугунги кунда ҳаммага аён. Хўш, уни ойдин йўлга олиб чиқиш учун нима қилиш керак? Умуман, бу масаланинг ечими қаерда ва сирли калит кимнинг қўлида? Яқинда 1997 йилдан то 2002 йил май ойигача Франция ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган Юбер Ведрин оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Яқин Шарқ масаласини жиддий таҳлил қилиб аниқ бир хулосага келганлигини айтар экан, жумладан шундай деди: «Президент Буш Яқин Шарқда ташаббусни қўлга олмоқчи эканлигини айтди, у шундай қилса можарони тинч йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлади. У шундай қилишга мажбур, у шундай қилиши керак, у шундай қила олади. Фақат Америка Қўшма Штатлари президентидагина шундай зарур восита ва обрў-эътибор бор». Шундай деб, у бир қатор таклифларни ўртага ташлади. Жумладан, АҚШнинг ҳарбий бўлинмаларини (эҳтимол, бошқа давлатларнинг ҳарбий бўлинмалари билан бирга) узоқ мудат Исроил — Фаластин, шунингдек, Исроилнинг Иордания, Сурия ва Ливан билан чегараларида ушлаб туришни ҳамда бунинг учун бир неча ой мобайнида Исроилдаги бунга мухолифатда бўлган сиёсий кучлар ва уларнинг АҚШдаги маслакдошларига қарши тура олишга тайёр бўлишни таклиф қилади. Ана шу жараёнда тинчлик режаси тузишни ва Фаластин давлати ташкил этиладиган кунни белгилашни зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, Юбер Ведрин агар Исроил билан Фаластин ўртасида нафақат сиёсий, балки иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилса, сўзсиз, тинчлик таъминланади, деб ишонади.

Ҳақиқатан ҳам АҚШ Президенти Жорж Буш Яқин Шарқ масаласида ташаббусни қўлга олган кўринади. «Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, яқин кунларда Буш Фаластин давлатини ташкил этиш бўйича ўз режасини тақдим этади. Бу режани шу йил сентябрь ойида ўтказиладиган халқаро конференцияда тасдиқлатиб олиш мўлжалланмоқда. Музокаралар жараёнида Фаластиннинг чегаралари, Қуддус шаҳрининг мақоми ҳамда фаластинлик қочоқлар сингари энг долзарб масалалар ҳал қилиниши керак. АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг фикрича, бу режани амалга оширишга киришиш фаластинликларда умид уйғотади ва улар террорчилик ҳаракатларини бас қиладилар.

Ўзбекистон ва унинг аҳолиси Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан бартараф қилишга қаратилган ҳар қандай ташаббусни маъқуллайди. Ҳар қандай зўравонлик ва террорчилик ҳаракатини қоралайди.

Биз бу борада қўйиладиган ҳар бир амалий қадам ижобий натижа беришини ва минтақада барқарор тинчлик ўрнатилишини истаймиз.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

XORIJDA

СУВ ТОШҚИНИ

Россия Президенти Владимир Путин мамлакатнинг Фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгуни қутқарувчилар гуруҳи билан бирга табиий офат содир бўлган ҳудудга жўнатди. Президентнинг матбуот котиби Алексей Громовнинг айтишича, у Россия жанубида — Ставрополь ўлкаси, Карачаева — Черкес, Шимолий Осетия, Ингушетия ва бошқа ҳудудларда узоқ муддатли жала ёғиши сабабли юз берган сув тошқинидан жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам уюштирилишини бошқариши, бундан ташқари, таъмирлаш-тиклаш ишларига ҳам бош-қош бўлиши лозим.

Шунингдек, Россия Президенти мамлакатнинг мудофаа вазири Сергей Ивановга ҳам махсус топшириқ берди: у табиий офатдан зарар кўрган Чеченистоннинг Грозний ва бошқа туманлари аҳолисига Бирлашган қўшин гуруҳининг барча восита ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёрдам бериши лозим.

Чеченистоннинг тоғли ҳудудларида кучли жала ёғиши оқибатида дарёлар ўзанидан тошиб, кўприкларни, йўлларни ва уйларни бузиб кетди. Шатайск туман маъмурияти раҳбари Сайдасан Дузаевнинг телефон орқали маълум қилишича, тоғли Шатайск, Шарайск ва Итум-Калинск туманлари билан ташқи алоқалар умуман узилиб қолган. Бу туманларни марказ билан боғловчи ягона Грозний — Шатай автотрассасининг катта қисмини сел ювиб кетган.

Бундан ташқари Транскавказ автомагистралининг бир неча километри шанба кунги сел оқибатида ишдан чиқди. Шунинг учун иккита чегара пункти вақтинчалик ёпилди.

Транскавказ автомагистрали Россияни Закавказье билан боғлаб турадиган ягона йўл эди.



ИРЛАНДИЯ. МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР.

ЭРОНДА ЗИЛЗИЛА

Аниқланган маълумотларга кўра, шанба куни Эроннинг шимолида содир бўлган 6,3 балл кучланишли зилзила оқибатида 441 киши қурбон бўлди. IRNA агентлиги тарқатган хабарларда ёзилишича, 1200 киши оғир тан жароҳати олган. 20 та қишлоқдаги уйларнинг 50 фоизи ер билан яксон бўлган. Эрон сейсмология институтининг Reuters ахборот агентлигига маълумот беришича, зилзила эпицентри Казвин шаҳридан 115 километр жанубий-ғарбда қайд этилган.

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЖАРЛИК

ЁКИ ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ОҒИР ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА

Маълумотларга кўра, дунёда гиёҳвандликка қарши курашиш учун кунига бир неча ўн миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф бўлаётир. Туғилаётган гўдакларнинг эса ўртача 10 фоизи бу заҳри-қотил оқибатида ногирон, майиб-мажруҳ ҳолда дунёга келмоқда.

Чекдик. Билмадим қанақа дори экан, қаттиқ шунга ўрганиб қолдим. Қутилишнинг иложи бўлмаяпти. Уларнинг айтишига қараганда, ўша чекканимиз синтез йўли билан тайёрланган «оғу» экан. Бир чексанг бўлди, уларнинг тили билан айтганда «мустаҳкам ўтириб» қоларкансан. Ташлайман деб бир неча бор уриниб кўрдим, уддасидан чиқолмадим. Чекмасам суякларим шу қадар қақшаб оғрийдики, асти қўяверинг, жоним чиқиб кетаётгандек бўлади: қўрққанимдан яна чекаман. Ота-онам, ака-укаларим, қариндошларимизнинг қилмаган насиҳатлари қолмади. «Бўлди, энди чекмайман», деб сўз бераману, уни бажаришга келганда ожизман. Бошлаган пайтларимда «Бироз чекай, кейин ташлаб кетаман-да», дея ўйлаган эдим. Негаки, организмим бақувват. Ахир тўйларда яхшигина олишганим боис «полвон» деган номим ҳам бор эди-да. Куриб, қақшаб қолдим. Ойнага қараб афтимдан ўзим чўчиб кетаман. Олиб чекаётган «дори»мизнинг ичига алламбалолар қўшилган бўлади. Ўзимиз ҳам сал кўпайсин деган мақсадда димедрол каби дорилардан қўшамиз. Ўйимдан нима қўлимга илинса олиб бориб сотаман. Устига-устак, ўғирлик қиламиз. Шундай қилмасак бўлмайди, хумори келган пайт дунё кўзимизга қоронғи бўлиб кетади. Балки бу офатни ташлаш учун менда ирода йўқдир. Баъзан «палончи чекишни ташлабди» деганларини эшитиб қоламан. Шунда ўзимни «Мен фақат чекаман-ку, укол қилмайман», дея ўзимни овутаман. Барибир бу ишнинг охири вой эканлигини, узоғи билан беш йилгача яшашимни биламан. Яқинда бирга чекадиган оғайним шундан вафот этди. Мени эса яхши кўришиб юрадиган қизим бор эди. Буни чека бошлагач, қизлар мени мутлақо қизиқтирмай қўйди. Баъзан ўйлаб даҳшатга тушаман. Ёшим бор-йўғи 20 да... Айни дунё лаззатларидан баҳраманд бўладиган, уйланадиган, зурриёт қолдирадиган пайтим.

Пўлат Тоғаев — врач-нарколог:

— Олдинги йилларга қараганда 16-30 ёшгача бўлганлар орасида гиёҳвандликка ружу қўйиш анча кўпайган. Катталар орасида наркоманлар жуда кам. Аёллар ўртасида 16-23 ёшгача ўзига укол қиладиганлари ҳам учрайди. Гиёҳванд модда кишининг нерв фаолиятини бузади. Ўпка, юрак, жигар, талоқ ишдан чиқади. Организмда сув камаяди, инсон қурий бошлайди. Бош миянинг қон билан таъминлаши сусаяди, негаки, наркоманлар овқатни яхши емайди. Энг ёмони пушти бузилади. Ундан соғлом бола туғилмайди. Биз қўлимиздан келгунча уларни даволашга ҳаракат қиламиз. «Вабо»дан қутилиш 60-70 фоизи инсоннинг ўзига боғлиқ.

Деновлик 33 ёшли Маҳмуд ҳикояси:

— Бир пайтлар 110 кило оғирликда эдим. Ҳозир... вазним 55 чиқар... Ҳа, асли деновликман. Яхши оиланинг фарзанди эдим. Аввал техникумда сўнгра Тошкентда «Нархозда» (Халқ хўжалиги институти демоқчи) ўқидим. Олий маълумотли инсон эдим. Яхши бир обрўли ташкилотда ишлардим. Янги машина минардим, чиройли кийинардим. Дўсту биродарларим кўп эди... Айниқса, қизлар... Эҳ, қизлар мени қандай яхши кўришини билмайсиз. Қисқаси, кунларим хурсандчилик, улфатчилик билан ўтарди. Аммо... ҳаммаси институтда 3-курсда ўқиб юрган пайтларимдан бошланди. Бир каттакон одамнинг фарзанди, бойвачча одам билан танишиб қолдим. Жуда «ҳотамтой» эди. У билан инок бўлиб кетгач, бир куни у «Россияга бориб келишни, бир «иш» борлигини айтиб, мўмай пулга эга бўлишимни шибшиди. Мен кўп ўйлаб ўтирмай рози бўлдим. Бу иш — қорадори савдоси эди. Хуллас, поездга ўтириб Саратовга жўнадик. Керакли «товар»ни белгиланган жойга етказдик.

Биринчи бор иш жуда силлиқ кечди ва умримда кўрмаган пулга эга бўлдим. Буни кўриб энди ўзим бу «иш»га қизиқиб қолдим. Ҳа, қўли текканнинг оғзи ҳам тегади деганларидай, аввал-аввал дорини ҳидлаб, сўнг чайнаб, сўнг тутатиб ва ниҳоят томиримга укол қилиб лаззатланадиган бўлиб қолдим. Бу дардга чалинганимга мана 8-10 йил бўлиб қолди. Шунча йил чекдим, ичдим, томиримга шприц тиқдим. Ўғирлик қилдим-қамалдим. Одам ўлдирдим. Иккинчи бор қамалдим. Бир неча бор даволандим, барибир иродам бўшлик қилиб «касбим»ни ташлай олмадим. Мен даволаниб, ҳаётга қайтмоқчиман. Ахир, болаларим бор. Хотиним кетиб қолган. Уларни қайтаришим керак. Ота-онам қариб қолди, уларни ҳам қийнаб юбордим. Уларнинг ҳам дуосини олишни, одамдай яшашни истайман...»

...Гиёҳванд моддалар охир-оқибат қандай оқибатларни келтириб чиқаради, — дейди Сурхондарё вилоят онкология диспансери врачи **Норбой НАЗАРОВ.** — Булар: ўпка, жигар, буйрак, юрак-қон томирлари ишдан чиқиши;

— суяк милкларининг қуриши;

— одамнинг ҳаддан ташқари озиб кетиши;

— бош мияда қон айланиш системасининг бузилиши ва хотиранинг сусайиши;

— бепуштлик, ҳар хил юқумли касалликлар;

— аёлларда сут безлари ва ошқозон ҳамда ўпка раки, умуман бундан бошқа турли теританосил касалликларни — гиёҳвандлик келтириб чиқаради.

Чунки, гиёҳвандлар бир шприцдан укол олишади, ёки жинсий йўллар орқали соғлом одамларга оғир касалликларни юқтиришади. Ҳаммасининг охир-оқибати фожиа, ўлим...

Ҳозиргача Сурхондарё вилоятида СПИД касалига учраганларнинг сони 39 нафарни ташкил этди. Вилоятда 2 мингдан кўпроқ гиёҳванд рўйхатга олинган. Уларнинг аксариятини 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитлар ташкил қилади.

Афсуски, бу рақамлар фақат аниқланиб, рўйхатга олинганлари, аслида бу рақамлар сони бир неча бора кўп бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, — дея ташвиш билан гапиради Сурхондарё вилоят СПИД маркази бош ҳакими **Р.Қурбонов.**

Бутун дунёга наркотик моддалар етказиб беришда биринчи ўринда турадиган бизга чегарадош бўлган давлат — Афғонистондаги мавжуд аҳвол қатор йиллардан буён ғоят ташвишли эди. Чунки Афғонистон республикасида наркотик моддалар очиқчасига «деҳқончилик» сифатида етиштирилиб келинган ва минг-минглаб тонна ажал уруғи дунёнинг турли нуқталарига экспорт қилингани ва бу аянчли аҳвол ҳамон давом этаётганини бутун дунё афгор оммасига маълум.

Қолаверса, бир неча ўн миллиард долларга пулланадиган бу оғунинг инсоният бошига келтираётган кулфатларининг ҳисоб-китоби йўқ асло! Албатта, мамлакатимизга чегарадош Тожикистон, Афғонистон давлатларида етиштирилаётган гиёҳвандлик моддаларининг Ўзбекистонга кириб келиши ва давлатимиз орқали бошқа юртларга чиқариш учун қанчадан-қанча уринишлар бўлаётгани, кун-кунора гиёҳванд моддалар билан қўлга тушаётган оғуфурушларга қонунларимизда оғир жазолар қайд этилгани барчага маълум.

Аммо буни фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб тушуниш нотўғридир. Биринчи навбатда ота-она, маҳалла-кўй, жамоат ва нодавлат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб, оғуфурушликка қарши курашиш зарурлигини мавжуд аҳвол тақозо қилаяпти.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» БОШҚАРУВИ

Банкнинг бош офиси ва Марказий амалиёт бошқармаси жойлашиши мўлжалланаётган бинони капитал таъмирлаш бўйича тендер эълон қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотларини ўз таклифлари билан мурожаат қилишларини сўраймиз.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлилик, тажриба ва нуфуз, зарур одамлар ҳамда моддий-техника ресурслари, шунингдек, шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлишлари талаб қилинади.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар 2002 йилнинг 1 июлигача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел.: 144-88-64, 144-25-93 .

«ТЕРРОРИЗМ, ГИЁҲВАНДЛИК ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — XXI АСР ВАБОСИ»

Файзулла Хўжаев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида «Терроризм, гиёҳвандлик ва диний экстремизм — XXI аср вабоси» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

— Ислом дини халқлар бошига оғир кулфат келтирувчи оқимларни, бузғунчи тўдалар, террорчи қотилларни қатъий қоралайди, — дейди анжуманда маъруза қилган Самарқанд вилоят бош имом хатиби Усмонхон ҳожи Темурхон ўғли Олимов. — Чунки, ислом инсонларни фақат ва фақат яхшилик, эзгулик, тинч-тотувлик, аҳил-иноқликка ундайди. Бу эзгу мақсад йўлида аҳли мўмин ва биродарларимиз саъй-ҳаракат, ташаббус кўрсатишларини уқтиради.

— Институтда бундай анжуманларни ўтказиш ёшларимизни диний экстремизм терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашга чорлайди, — дейди сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Жўрақул Баҳронов. — Терроризмнинг ёвуз башарасини ва унинг оқибатларини АҚШда ҳам, республикамизда ҳам кўрдик. Шунинг учун биз ёшларимизни бу хил салбий оқимлар ва гиёҳвандлик сингари аср вабосига қарши аёвсиз кураш олиб боришни қайта-қайта таъкидлаяпмиз.

Институт ректори, профессор Абдуқодир Эргашев, врач-нарколог Ғайрат Очилов ва бошқалар диний экстремизм, террорчилик ва гиёҳвандликка қарши курашда кучларни бирлаштириш, ёшларни эса доимо огоҳ ва сергак бўлишга чақирдилар.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФУТБОЛЧИЛАР МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАРГА АЙЛАНИШМОҚДА

2002 FIFA WORLD CUP KOREA JAPAN SEOUL

Танишинг, ярим финалчилар: Германия — Жанубий Корея, Бразилия — Туркия

Яна тўрт учрашувдан сўнг Осиёда илк марта ўтказилаётган жаҳон чемпионати якунланади. Олтмишта учрашув ортда қолди. Бу ўйинларнинг ҳар бири унутилмас лаҳзаларга бойлиги билан хотирамизда қолади. Бу сафарги чемпионатнинг ўзига хослиги шундаки, ҳеч ким ўйламаган, ҳатто умид боғламаган жамоалар футбол ишқибозларини ҳайратга солди. Жаҳоннинг манаман деган номдор, доврўқли терма жамоалари эса муддатидан илгари томошабинга айланишди. Тўғрисини айтганда, бундан 36 йил илгари чорак финалдан бахраманд бўлган корейс футболчиларининг ярим финалга чиқишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз. Ёки бор-йўғи иккинчи марта жаҳон чемпионатида иштирок этаётган Туркия жамоасининг маҳорати-ю ғайратига қаранг.

Шиддатли курашлардан сўнг Европадан иккита, Осиё ва Лотин Америкасидан биттадан жамоа чемпионликка даъвогарликни сақлаб қолди. Бразилия футболчилари инглизларни мағлубиятга учратди — 2:1. Германия жамоаси АҚШ билан учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди — 1:0. Испания ва Жанубий Корея футболчилари учрашувида асосий вақтда дарвозалар дахлсиз қолди. Очиғи, испанларнинг бу ўйинда омадлари юришмади. Жаҳоннинг энг кучли дарвозабони ҳисобланган Касильяс ҳам бу гал бор маҳоратини кўрсата олмади. Бунинг устига улар киритган бир тўпни ҳакам ҳисобга олмади. Мориентеснинг зарби эса устунга тегиб қайтди. Шу тариқа майдонда икки соат тўп сурган футболчилар бештадан пенальти тепишга мажбур бўлдилар. Тўртинчи тўпни корейс дарвозабони қайтарди. Унинг жамоадошлари эса барча голларни тўрга туширишди. Шундай қилиб, 5:3 ҳисобида ғолиб бўлган Жанубий Корея жамоаси ярим финалга чиқди.

Сенегалликлар учун чорак финалга чиқиш катта ютуқ бўлди. Кейинги учрашув натижасидан қатъий назар уларни бутун Сенегал миллий қаҳрамонлар сифатида олқишлаётган эди. Африкалик футболчилар турклар билан бўлган чорак финал учрашувини ҳам юқори савияда ўтказишди. Ўйин тақдири қўшимча вақтда ҳал бўлди. Ильхан Мансизнинг аниқ зарби Туркия жамоасини ярим финалга олиб чиқди. Туркия ҳам ўз футболчилари ютуқларини муносиб баҳоламоқда. Жумладан, иккитадан тўп киритган Ҳасан Шаш билан Умит Давала шарафига Диёрбакир вилоятидаги икки кўприкка уларнинг номи берилди. Турклар энди Бразилия жамоаси билан ўйинда фақат ғалаба учун майдонга тушишини билдиришмоқда. Корейсларнинг уч марта жаҳон чемпиони бўлган немис футболчиларига қарши учрашуви ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Бугун ва эртага бўладиган икки учрашув жаҳон чемпионатининг финалчиларини аниқлаб беради.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ,**
Равшан ОМОНОВ

ТАҚДИМОТ

«КАРАТЭ — МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

Сизу биз билан шу ҳаётда яшаб, бирга қадам ташлаётган, Ватан тупроғини азиз билиб юрти, халқи шаънини ҳимоя қилаётган замондошларимиздан бири Нурхон Нафасов ҳақида «Каратэ — менинг ҳаётим» фильми яратилди.

«Ўзбектелефильм» студиясида ана шу фильм тақдимоти бўлиб ўтди. Ҳамманинг нигоҳи экранда: ёш ўсмир Нурхоннинг суратлари, Нурхон тоғу тошда, спорт залларида тинимсиз машқ қилмоқда. Нурхон Нафасов Президентимизнинг Фармонига кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» юксак унвонига сазовор бўлганди. Экранда ҳаяжонли, унутилмас воқеа. Юртбошимиз Нурхон Нафасовга юксак унвонни топширяпти.

Қисқаси, Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов ҳақидаги фильмни ҳаяжонсиз кўриб бўлмайди.

Каратэчиларимиз 1998-1999-2000 йилларда Венгрия, Германия ва Шотландияда ўтказилган жаҳон кубоклари ғолиби, 2001 йил Осиё чемпиони бўлдилар. Спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида эришган ютуқларида Нурхон Нафасовнинг катта хизмати бор, албатта. Шу боис ҳам Умумжаҳон каратэ федерацияси қарорига мувофиқ, Нурхон Нафасовга Марказий Осиёда биринчи бўлиб 6-ДАН тоифа даражаси берилди.

Кези келганда «Каратэ — менинг ҳаётим» фильми ижодкорлари — сценарий муаллифи Шойим Бўтаев, режиссёр Темур Аҳмадхўжаевларнинг меҳнатларини ҳам алоҳида эътироф этмоқ керак. Фильм нафақат Нурхон Нафасов ҳақида, балки юртимизда спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилгани билан ҳам эътиборга молик.

■ **Равшан ШОДИЕВ**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Бадиий академия ва «Ўзбекистон овози» газетаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб «Камолиддин Беҳзод шарқ уйғониш даврининг ёрқин тимсоли» танловини эълон қилади.



ТАНЛОВ МАҚСАДИ ВА ШИОРИ

Камолиддин Беҳзод ижодий меросини ўрганиш ва халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўтмиш маданиятимиз билан ғурурланиш туйғуларини уйғотиш ҳамда Камолиддин Беҳзод музейи учун нодир асарлар танлаш.

ҲОМИЙЛАР:

— Олий Мажлис ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат «Ғаллабанк»и;

— «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;

— «Ўзбекбирлашув» компанияси;

ТАНЛОВ 2002 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 1 ДЕКАБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ КУНИДА ЯКУНЛАНАДИ.

ТАНЛОВГА ЮБОРИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРДА:

Камолиддин Беҳзод анъаналарини давом эттираётган миниатюрачи мусаввирлар асарлари, дунё миниатюра мактабларига оид маълумотлар, устоз мусаввир ижодий мероси ва ҳаётига доир ижодий изланишлар ҳамда тадқиқотларни ўз ичига олган мақолалар;

— Буюк мусаввирнинг ҳаёти, у яшаган давр маданияти. Мусаввирлик санъати ҳақида мақола ва радиоэшиттириш ҳамда телекўрсатувлар;

— Камолиддин Беҳзод ва миниатюра санъатига доир ноёб қўлёзмалар, фото суратлар, мусаввир мўйқаламига мансуб миниатюралар ва уларнинг факсимели нусхалари, қадимий китобот санъатига оид топилмалар;

— Асарларда Камолиддин Беҳзод миниатюра мактабининг яратилиши, унинг ўзига хос томонлари, шоирлар ва мусаввирларнинг ижодий ҳамкорлиги, китобот санъати;

— Мусаввирнинг дунё санъатига қўшган ҳиссаси, тарихий анъана ва қадриятларнинг акс этиши;

— Беҳзод ворисларининг замонавий миниатюра мактабини ривожлантаришдаги роли, истиқлол даврида миллий миниатюра санъатининг ривожланиши ҳамда Давлатимиз томонидан улуғ мусаввирнинг ижодига берилаётган катта эътибор танлов шиори нуқтаи назаридан акс этмоғи лозим.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР КУТМОҚДА:

Белгиланган ҳар бир соҳа — **миниатюра санъати, санъатшунослик, журналистика, фото санъати** йўналишлари бўйича ғолиблар:

1 тадан биринчи ўрин — 150 минг сўм
1 тадан иккинчи ўрин — 120 минг сўм
1 тадан учинчи ўрин — 100 минг сўм
ва рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланади.

Шунингдек, К.Беҳзоднинг ижодий меросини ўрганишдаги катта хизматлари учун энг яхши муаллиф асари махсус комиссиянинг қимматли соврини билан тақдирланади.

Миниатюра санъати, нодир китоблар, санъатшуносликка оид йирик асарлар Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясига юборилади. Улар асосида махсус кўргазма ташкил этилади ва ғолиблар танлаб олинади.

Журналистика ва фото асарлари «Ўзбекистон овози» газетасига юборилади.

Материаллар қуйидаги манзилларга жўнатилсин:
Бадиий академия, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.
Тел: 56-50-47; 56-51-46; 152-11-46.
«Ўзбекистон овози» газетаси, Матбуотчилар кўчаси — 32,
Тел.: 136-53-70; 133-06-83.
Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида эълон қилинади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 136-53-21
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ТАНСИҚ НОН»

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти дахлдор шахсларнинг уларга тегишли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатини **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Исми шарифи	Низом жамғарма улуши					
1. Каримжонов М.А.	2,65 %	4. Мельситдинова Н.Б.	0,19 %	7. Усманов У.	19,0 %
2. Аюпов А.А.	0,10 %	5. Неяскулов Т.	0,05 %	8. Қўйбоқаров С.	25,0 %
3. Исмоилов А.А.	0,14 %	6. Иминов Б.	19,0 %	9. Ишқобилов Ф.	6,41 %
				10. Абдуллаева Р.	0,18 %

Изоҳ: дахлдор шахсларга Кузатув кенгаши аъзолари ва ижроия орган аъзолари киради.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

BANK XALQ BANKI

Ҳар бир киши янги русумдаги ўз автомобили бўлишини орзу қилади ва хоҳлайди.

Сизнинг орзу ва истакларингизни амалга ошишида Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банки — Халқ банки хизматингизга тайёр.

Халқ банки аҳолига энг қулай ва энг манфаатли шартларда

«АВТО-КРЕДИТ»

ўрта муддатли истеъмол кредитларини таклиф этади.

Сиз банкнинг ушбу кредитларидан фойдаланиб, мустақил республикамизда ишлаб чиқарилаётган DAEWOO русумли автомобилларни харид қилишингиз мумкин.

Кредитларни расмийлаштириш тартиблари билан батафсил танишиш учун банкнинг турар-жойингиздаги бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 26 июль, 2 август кунлари кимошди ва танлов савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

Кимошди савдосига қўйилган объектлар:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, М. Мирпўлатов кўчаси, 57-уйда жойлашган «TOSHSHAHARYO'LOVCHITRANS» давлат уюшмасига қарашли «3-автобус саройи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг давлат рақами 08-01 ТНД бўлган «Доган S» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 1 844 605 сўм.

Танлов савдоларига қўйилган объектлар:

Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, «Чилонзор» даҳаси, 8-мавзеда жойлашган 310-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 4 376 600 сўм ёки 6 294 АҚШ доллари.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, «Юнусобод» даҳаси, 19-мавзеда жойлашган 218-болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 16 816 000 сўм ёки 24 183 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

АПСО «СИФАТ»

Баланс по АПСО «Сифат» на 1.01.02 г.
тыс. сум.

Наименование	АКТИВ	ПАССИВ
Основные средства	75985	
Нематериальные активы	358	
Производственные запасы	317699	
Прочие активы	50126	
Денежные средства	6945	
Дебиторы	973744	
Капитальные вложения	139813	
Уставный фонд		38524
Резервный капитал		3935
Добавленный капитал		7903
Нераспределенная прибыль		32130
Целевые поступления		139507
Краткосрочные кредиты		14012
Кредиторы		1328959
БАЛАНС	**1564670**	**1564670**

Чистая прибыль — 1483 т.с., достоверность баланса подтверждена аудиторской фирмой «AUDIT-FAHIM», лицензия Минфина РУз № 00183 от 1.04.01 г.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят мухбири Шоҳайдар Мирҳабибовга опаси **Раъно КАРИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Косонсой туманидаги Худойбердиев номли ширкат хўжалиги жамоаси туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Зойиржон Мирсаидовга онаси **РАПОҒАТЖОН ҳожи она**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.